

Единый портал корпоративной информации

Объявления

"Jizzax HETK" AJ

Объявление

"JIZZAX HUDUDIY ELEKTR TARMOQLARI KORXONASI" AKSIYADORLIK JAMIYATI

СОБЛЮДАЙ ИЛИ ОБЪЯСНЯЙ

“Comply or explain” халқаро тамойилига асосан (риоя қил ёки тушунтир)

1. Корпоратив бошқарув кодекси талабларига асосан АЖда самарали ички назорат механизмини жорий қилиш мақсадида кузатув кенгаши таркибига биттадан кам бўлмаган (аммо уставда кўзда тутилган кузатув кенгаши аъзолари сонининг 15 фоизидан кам бўлмаган) мустақил аъзо киритилмаган.

- Акциядорларнинг 2019 йил якуни бўйича ўтказилган йиғилишда Кузатув Кенгаши аъзолигига берилган номзодларни сайлашда Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунинг 76-моддасида белгиланган тартиб бўйича, яъни кумулятив тарзда овоз берилди. Овоз бериш натижаларига кўра Кузатув Кенгаши таркибига мустақил аъзо сайланмади. Келгусида акциядорлар томонидан АЖнинг кузатув кенгашига мустақил аъзо киритилиши бўйича таклифлар тақдим қилинса, кўриб чиқилади.

2. Жамият сайтида давлат тилида жойлаштирилган маълумот ва ҳужжатларни рус ва инглиз тилларига тўлиқ таржима қилинмаган.

- Чунки, Жамият акциядорлари орасида хорижий инвестр йўқ ҳамда хорижий инвестрларга ҳам сотилиши кўзда тутилган сотувга чиқарилган акциялар ҳам йўқ. Жамият табиий монополия ташкилоти ҳисобланади.

3. Жамият қимматли қоғозларнинг биржа котировкаси варағига киритилмаган.

- Жамият қимматли қоғозларнинг биржа котировкаси варағига киритилиши шарт-шароитларини ўрганиб чиқиб, биржа котировкаси варағига киритишнинг мақсадга мувофиқлигини Кузатув кенгаши мажлисида муҳокама қилинади.

4. Жамият Ижро органи томонидан дебитор ва кредитор қарздорликларни камайтириш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

11.06.2021

14.06.2021

Источник: <https://openinfo.uz/uz/announce/11869/>

Дата: 25.06.2026